Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 114 (7. 203) ◎ 1990 йил 22 май, сешанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

◎ «Деҳқон — у турмуш тарзимиз». «Правда» рўзномасига келган мактубларга КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. С. Строевнинг шарҳи ана шундай сарлавҳа остида эълон қилинган.

◎ Моҳир сўз устаси Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб Тошкентда, Навоий номли театрда ўтказилган тантанали кеча ҳақидаги батафсил ҳисобот «Мен халқимнинг юрагида яшайман...» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

◎ Мамлакатимиз, республикамиз ҳаётига оид ранг-баранг хабарлар, чет элларда бўлаётган воқеаларга ҳам рўзномаларда кенг ўрин берилган.

«ҲУРРИЯТ»НИНГ КАМОЛИ

ЎЗБЕК халқимизнинг чиройли, ярашимли, дилларга ором берувчи дилрабо ўйин-рақслари, анъанавий маросим қўшиқлари, ялла-лапарлари борки, булар миллатимизнинг маданий мулк-хазинаси ҳисобланади. Акмал Икромов районига жойлашган Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи «Ҳуррият» этнографик ансамбли ана шундай анъаналаримизни кенг тарғиб этмоқда. Ўтган йили бу ансамблнинг ижод аҳли шаҳар бўйича мусобақада биринчи ўринни олишга муяссар бўлди. «Ҳуррият»нинг бу қадар камол топишида унинг бадиий раҳбари Мавлуда Хўжаеванинг фидойи ва эзгу меҳнатини алоҳида эътироф этиш керак.

◎ **СУРАТДА: Мавлуда Хўжаева.**

Т. Каримов сурати.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАМЛАКАТДА УЙ-ЖОЙ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА УЛАРНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Сўнгги йилларда СССРда уй-жой муаммосини ҳал қилишда муайян ижобий силжишларга эришилди. Ўн иккинчи беш йилликда умумий саҳни деярли 650 миллион квадрат метр уй-жой қурилади, бу олдинги беш йиллиқдагига нисбатан қарийб 100 миллион квадрат метр ёки 1,7 миллионта квартира кўп демакдир. Беш йил ичида 15 миллион оила уй-жой шароитини яхшилаши мумкин бўлади.

Бироқ қилинган таҳлил уй-жой муаммосининг ўткирлиги камаймаётганлигини кўрсатди. Уй-жой шароитини яхшилаш учун навбатда турувчилар сони камаймаяпти, ҳозир 14 миллион оила навбат кутмоқда. 6 миллиондан ортиқ оила коммунал квартираларда, ётоқхоналарда яшамоқда ёки хусусий кишилар уйларини ижарага олиб турибди. Деярли 4,5 миллион оилада ҳар киши ҳисобига 5 квадрат метрдан камроқ майдон тўғри келади. 1989 йилда уй-жой қурилиши планлари бажарилмай, вазият янада мураккаблашди. Одамлар 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлашнинг реаллигига шубҳа қила бошладилар.

Мақсадга эришиш учун деярли 30 миллион квартира ва шахсий уй-жойлар (умумий саҳни камида 2 миллиард квадрат метр) қуриш зарур. Бунинг учун эса 1991 йилдаёқ 155—160 миллион квадрат метр, 1995 йилда эса 230—240 миллион квадрат метр уй-жой қурадиган даражага чиқиб олиш керак. Аввалги усуллар билан уй-жой муаммосини ҳал қилиб бўлмаслиги равшан. Уй-жой сиёсати масалаларини бутун мажмуасига мутлақо янгича ёндашув зарур.

Гражданларнинг уй-жойга конституцион ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб **қарор қиламан:**

СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан бирга 1990 йил 1 сентябрга қадар СССРда уй-жой муаммосини ҳал қилиш чораларининг яхлит системасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бунда қуйидаги қоидаларга амал қилинсин:

1. Уй-жой қурилишини кескин, камида икки баравар кенгайтириш учун шароит яратиш, уй-жой қурилишини давлат, корхоналар ва ташкилотлар, кооперативлар, якка тартибда уй қурувчилар — барча йўналишлар бўйича кучайтириш. Шу мақсадда қуйидагилар амалга оширилсин:

уй-жой қурилиши инвестиция сиёсатини тубдан ўзгартириш капитал маблағларни ва пудрат ташкилотларининг қувватларини ишлаб чиқариш соҳасидан уй-жой қурилиши соҳасига қаратиб тағин ҳам қайта тақсимлаш, қурилиш индустрияси йўналишини шунга мувофиқ ўзгартириш, ишлаб чиқариш мақсадларидаги қурилишдан бўшатиб олинган бинокорлик материалларини уй-жой қурилишига ажратиш;

давлат, ижара, кооператив корхоналарининг, уларнинг уюшмалари ва иттифоқларининг, акционерлик жамиятларининг жамоат ташкилотларининг жамғармаларидан, заёмлар, банк кредитларидан, шунингдек аҳоли маблағларидан фойдаланиш ҳисобига уй-жой қурилишининг молиявий негизини кенгайтириш, ҳақини дарҳол ва бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан «сотиш учун» квартиралар қуриш. Уй-жойларни аҳолига ижарага берадиган ва сотадиган қурилиш кооперативлари, фирмалари, территориал акционерлик-тижорат банклари системасини ривожлантириш;

биноларни пардозлаш материалларини, санитария-техник ускуналар ва бошқа махсус жиҳозларни ишлаб чиқарувчи қувватларни кескин кўпайтириш, бу соҳада янги корхоналар ва ташкилотлар барпо этишни, ишлаб турган корхоналар ва ташкилотларни кенгайтиришни рағбатлантириш;

машинасозлик ва мудофаа саноатининг бир қанча корхоналарининг йўналишини ўзгартириб, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш-монтаж ишлари учун машиналар ҳамда механизмлар ишлаб чиқаришни программага мувофиқ аниқ мақсадни кўзлаб таъминлашга, шу жумладан якка тартибда уй-жой қуриш учун кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришга қаратиш;

мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш билан банд бўлган корхоналарга, бинокорлик материаллари саноати корхоналарига ҳамда граждан уй-жой қурилиши учун машина-ускуналарнинг ҳамма турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга имтиёзли солиқ солиш;

қурилиш ташкилотларининг хўжалик юритишнинг илғор шаклларига ўтишини рағбатлантириш, уй-жой қурилишини бошқаришни маҳаллийлаштириш, шу жумладан давлат корхоналари ва ташкилотларини ижарага бериш, шунингдек корхоналар ва ташкилотларни қайта тузиб уларнинг акционерлик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш;

қурилиш индустриясини такомиллаштириш учун чет элдан сотиб олинадиган ускуналар структурасини қайта кўриб чиқиш;

қўшма корчалонлик имкониятларидан фойдаланиш.

2. Аҳолининг уй-жойга эҳтиёжларини қаноатлантиришда корхоналар ва ташкилотларнинг ролини қатъиян ошириш. Уй-жой сотиб олишда ходимларга моддий мадад кўрсатишни рағбатлантириш, ана шу мақсадда уларга процентсиз қарз ва бегараз ёрдам бериш, корхоналар ва муассасалар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қурилган уй-жойлар меҳнат коллективларининг ихтиёрига мувофиқ тақсимланиши лозим.

3. Якка тартибда уй-жой қуришда кескин бурилиш қилиш, бу соҳадаги қолоқликни тугатиш, гражданларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, якка тартибда уй-жой қурувчига салбий муносабатда бўлишни тугатиш. Якка тартибда уй-жой қуришни муҳим давлат иши деб қараш керак. Шу мақсадда:

қишлоқда, шаҳарларда ва шаҳар атрофида уй қуриш ва ёрдамчи хўжалик учун ер участкаларини ҳеч қандай тўсқинликсиз ажратиш, гражданларнинг қурилган участкаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи таъминлансин;

корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокида якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган территориялар илдам обод қилинсин, йўл шоҳобчалари, сув, электр-энергия, газ ҳамда инженерлик ва ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектлари билан таъминлансин;

якка тартибда уй-жой қуриш учун биринчи навбатда қарз ва кредит бериш, айни вақтда бу қарздан кўзланган мақсадда фойдаланиш учун масъулиятни ошириш таъминлансин, қарз ва кредит бериш шакллари ва шартлари хилма-хил бўлишига эришилсин;

аҳолининг аҳтиёжларини қондириш учун жойларда таъминот-тижорат ва лойиҳа-масъаҳат фирмалари ташкил этилсин, аҳолига қурилиш техникасини, якка тартибда уй қуриш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва мосламаларни прокатга бериш хизмати кенгайтирилсин.

4. Энг аввало аҳолининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яшаш учун қулай муҳит яратиш зарурлигидан келиб чиқиб, уй-жойлар, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфасини яхшилашга жиддий аҳамият берилсин;

аҳоли жойлашишининг тарихий таркиб топган системалари ва зоналарига таянилсин. Катта шаҳарларнинг кенгайиши камайтирилсин, барча тусдаги қишлоқлар, фермерлик қўрғонлари, кичик шаҳарлар ривожланишига кўмаклашилсин, «истиқболсиз» қишлоқ ёки шаҳар тушунчасидан воз кечилсин.

Кўриниши ва қиймати турлича уй-жойларни лойиҳалаш ва қуриш амалга оширилсин. Кичик шаҳарлар ва посёлкаларда, ўртача ва катта шаҳарларнинг махсус кўзда тутилган даҳаларида алоҳида иситиш системаси ва алоҳида тозалаш системаси бўлган бир квартирали уйларни тежамли қуриш авж олдирилсин.

5. Уй-жой муаммоси энг аввало гражданлар ва меҳнат коллективлари ўз маблағи ҳисобидан уй-жойга эга бўлиши негизида ҳал қилинадиган тартибга солиб туриладиган бозор шароитида ногиронларни, уруш ва меҳнат ветеранларини, давлат олдидаги бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг оилаларини, ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда СССР Қуролли Кучларининг қисқартирилиши муносабати билан ундан бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини, ўқитувчиларни, врачларни ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа ходимларини, кам даромадли оилаларни уй-жой билан таъминлашда кафолатни кучайтириш ва давлат ёрдамини кенгайтириш зарур. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар билан биргаликда ёшларнинг уй-жой муаммоларини ҳал қилишда, жумладан ўз шахсий уйларини, ёшларнинг уй-жой комплекси ва кооперативларини, оилавий тусдаги ётоқхоналарни қуриш йўли билан уларга ҳар томонлама мадад бериш зарур.

Шу билан бирга ҳар бир граждан қонуний асосда эркин, ўзи танлаб, оила-синининг эҳтиёжларига мувофиқ равишда квартира ёки уйни сотиб олиши, шу жумладан, давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уйларнинг пулини тўлаш, узоқ муддатга фойдаланиш учун ёки ижарага олиш йўли билан сотиб олиши учун ишни уй-жой бозорини шакллантириш сари йўналтириш лозим.

Уй-жойларни ҳеч қандай тўсқинликсиз қайта тақсимлаш ва алмаштириш учун шароит яратилиб, барча тўқиб чиқарилган чеклашлар бекор қилинсин, уй-жой майдони ортиқча бўлган гражданлар кичикроқ ҳажмдаги квартираларга кўчиб ўтиши бунинг эвазига тегишли пул бериш билан рағбатлантирилсин. Давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли, уй-жой ва уй-жой-қурилиш кооперативларига қарашли уйлардаги хоналарни шахсий мулк сифатида гражданларга тегишли уй-жойларга алмаштиришга рухсат этилсин.

Коммунал хўжалигини аста-секин тижорат негизига кўчириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш зарур.

6. Давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уй-жойларда квартира ҳақи тўлаш системаси ўзгартирилсин, бунда қуйидагилар кўзда тутилсин:

даромади кам ҳамда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, республика қонунларида белгилаб қўйилган уй-жой билан таъминлаш даражасидан кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек санитария ва техника талабларига мос келмайдиган биноларда яшовчи барча оилаларни давлат ва жамоат уй-жой фондига қарашли уйларда уй-жойдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилиш;

алоҳида квартираларда яшовчи гражданлар учун улар эгаллаб турган бутун майдонга ва уй-жой сифатига қараб квартира ҳақини иттифоқдош республикаларнинг қонунларида кўрсатиладиган нормалар, ставкалар ва тартибга мувофиқ белгилаб қўйиш;

ортиқча уй-жойдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни кўпайтириш, қўшимча уй-жой майдони ва уй-жойга ҳақ тўлашнинг амалдаги системаси юзасидан имтиёзлар қайта кўриб чиқилсин ва асоссиз имтиёзлар бекор қилинсин;

уй-жойлар билан чайковчилик қилувчи шахслар, шунингдек уй-жойлардан ва коммунал хизматдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан бўйин товловчи шахслар жавобгарлиги кучайтирилсин.

7. СССР Министрлар Совети бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда СССР ва иттифоқдош республикаларнинг уй-жой қонунларини, уй-жой муносабатларини тартибга солиб турадиган СССРнинг бошқа қонун ҳужжатларини мамлакатда уй-жой муаммосини ҳал қилишга янгича ёндашувларга мувофиқ қайта кўриб чиқишга доир таклифларни шу йил 1 октябргача СССР Олий Советига тақдим этсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 19 май.

Сўлим табиатли «Бўзсув» канали бўйида манзил топган чойхонада «Бодомзор» ва шу атрофдаги «Боксёр», «Гидростанция» маҳаллаларининг фаоллари иштирокида Киров районидаги партия ва совет органларининг раҳбарлари, халқ депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Аҳоли турар жойларида

Ошкоралик руҳида

— Азиз маҳалладошлар, бугунги мулоқотдан мақсад битта, — дея сўз бошлади «Бодомзор» маҳалла қўмитасининг раиси Ш. Жалолов. — Бу ҳам бўлса маҳаллий Советларга сайловларда бизнинг вакилларимиз сифатида ишончга сазовор бўлган халқ депутатлари билан яқиндан танишиш, улар билан режалар хусусида гаплашиб олишдан иборатдир. Ўйлайманки, мазкур учрашув ишимиз ривожи, муаммоларнинг ечилишига яқиндан ёрдам беради.

— Биз, халқнинг мухтор вакиллари, барча ишларимизни аҳли жамоа билан баҳамжиҳат бажарамиз, — деди биринчи бўлиб сўзга чиққан Киров район партия комитетининг биринчи котиби, Тошкент шаҳар Советининг депутати Р. Калонов. — Сайловолди учрашувларида менга қатор наказлар берилган эди. Шулардан келиб чиқиб яқин вақтларга мўлжалланган айрим режаларимни айтиб ўтмоқчиман. Райондаги 88-мактаб биносини кенгайтириш, ночор аҳволга келиб қолган поликлиникани 500 ўринли қилиб қайта қуриш, «Ўзбексельмаш» бирлашмасининг эски томошагоҳини жиҳозлаб ҳам бирлашмага, ҳам ён атрофдаги аҳолига бирдек хизмат қиладиган маданият ўчоғи даражасига келтириш, сув таъминоти, қувурлар ётқизиш, йўлларни асфальтлаш каби бир-биридан долзарб вазифалар бор, олдимизда. Албатта булар осон кечмайдиган, лекин қилса бўладиган ишлардир. Биз барча муаммолар ечимини топишига имконият излаяпмиз. Муаммоларнинг бир қанчаси «Маҳалла» дастуридан ҳам ўрин олган. Яқин кунларда бўладиган район Советининг навбатдаги сессиясига ана шу масалаларнинг кўп қисми муҳокама учун киритилади.

Маҳалла аҳли бошқа депутатларнинг ҳисоботини тинглагунга қадар район ҳудудларида содир бўлаётган жиноий ишлар ва уларни бартараф этиш юзасидан район прокурори С. Норхўжаев ахборот берди. Шундан сўнг Тошкент алоқа электротехника институтининг ректори Ж. Абдуллаев сўзга чиқиб, шундай деди:

— Менга «Боксёр» ва «Мирза-юсуф» маҳаллаларининг жамоаси, шунингдек талабалар ишонч билдириб, шаҳар Советига депутатликка сайлашган. Икки маҳалла аҳли билан тезда тил топишиб, зиммамдаги наказларни бажаришга киришиб кетдим. Биргаликда «Наврўз» тантаналарини муносиб нишонладик. Ёшлар ўртасида жиноятчилик кескин ошиб кетганлиги ҳозиргина таъкидланди. Биз бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш мақсадида участка инспекторига мадад берувчи 15 талабадан иборат кўнгилли халқ дружиначилари ажратдик. Улар жамоат тартибини сақлашдаги муносиб хизматлари учун стипендиядан ташқари 30-40 сўм пулни қўшимча ҳақ сифатида олмоқдалар. Бу ишни ўзим назорат қилиб бораяпман.

Учрашувда район Советининг депутати М. Жалилов, «Мирза-юсуф» масжиди жомъеси имом-хатиби Абдуқодир Ҳайдаров, район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари М. Тожибоевлар ҳам сўзга чиқишди. Шунингдек, маҳаллалар вакилларидан Р. Соатов, Т. Юсупов, А. Шариповлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ошкора, жонли мулоқот руҳида ўтган учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

М. МИРАЛИЕВ.

ҚАРДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий танглик даврида бир халқнинг иккинчи бир халқни қўллаб-қувватлаши — дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликнинг чинакам намунасидир. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбоевнинг ўзаро мулоқотлари асосида яқинда Ўзбекистон ССРнинг Тошкент области билан Қозоғистон ССРнинг Чимкент области меҳнаткашларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида тузилган шартнома бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тошкент ва Чимкент область Советлари ижроия комитетларининг раислари С. Сайдалиев билан М. Карбоев имзолаган бу шартномага мувофиқ икки қўшни область айни шу қайта қуриш давридаги иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Шунга кўра ана шу ҳар икки область шаҳарлари ва районларидаги ўхшаш корхоналар меҳнат коллективларининг ҳар томонлама ўзаро фойдали ҳамкорлиги равнақ топади. Бу айни вақтда бирлашкда корхоналар барпо этиш, кадрлар тайёрлаш, доимий суръатда мутахассислар гуруҳини алмаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш имконини беради, савдо-сотиқни ривожлантиради. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айрибошлаш кучайтирилади. Энг муҳими — Чимкент области Тошкент области ва Тошкент шаҳри аҳолисига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб беришни, Тошкент области эса Чимкент области ва Чимкент шаҳри аҳолисига сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва картошка етказиб беришни кўпайтирадилар.

Шартномага биноан, жумладан Чимкент областининг Сариоғоч районида икки область аҳолисини эртанги сабзавот ва картошка билан таъминлайдиган хўжалик тузилади.

Чимкент области хомашёси базасида Тошкент области ускуналари билан жиҳозланган ғишт заводи қурилади. Тошкент областида эса мўйнали кийимлар тайёрлайдиган фабрика барпо этилади.

Шунингдек илмий муассасалар ва конструкторлик ташкилотларининг иш тажрибаларини, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ноширлик ходимларининг илғор иш усулларини ўзаро ўртоқлашишга кенг йўл очилади. Санъат ва спорт соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга, болаларни соғломлаштириш тадбирларини биргаликда амалга оширишга эришилади.

Шартномада таъкидланишича, партия, совет органлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари, идеология муассасалари ходимларининг меҳнаткашларни байналмилал, халқлар дўстлиги, икки қардош халқ анъаналари руҳида тарбиялашга оид ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилди.

Қардошларча ҳамкорлик шартномаси беш йил муддатга тузилган бўлиб, у имзоланган кун — 18 майдан эътиборан кучга кирди, — деб ўз мақоласини якунлайди ЎзТАГ мухбири Т. Алимов.

Рўзноманинг шу сонига

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР — ТОШКЕНТДА

◎ БУГУН Япониядан Тошкентга 150 кишидан иборат махсус гуруҳ ташриф буюрди. Булар Ўзбекистонда бир ҳафта мобайнида ўтказиладиган учрашга қарши совет-япон учрашувида иштирок этишади.

Мухбиримиз чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг раиси Сайёра Умаровна Султонова билан учрашиб, жумҳуриятимизда ўтказиладиган ана шу учрашув ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

— Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти япониялик вакиллардан мингдан ортиғини қабул қилди. Ўзбекистонга қадимий Ипак йўли орқали «Япония — СССР» жамияти йўли билан жуда кўплаб меҳмонлар ташриф буюришмоқда. Ўз навбатида бизнинг жумҳуриятимиздан ҳам кўплаб ишчи, экспертчилар Японияда бўлиб қайтишмоқда. Осиё хавфсизлиги бўйича совет-япон тўртинчи илмий конференциясининг шаҳримиз—Тошкентда бўлиб ўтганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг далилидир. Хоккайдонинг шимолий ороллари Совет Иттифоқи кунлари ҳам муваффақиятли ўтказилди. Бу тантанада бизнинг «Баҳор» ансамблимиз ҳам муваффақиятли қатнашди.

— Сайёра Умаровна, бугун шаҳримизга Японияда келган меҳмонларимизнинг асосий мақсадлари нималардан иборат! Улар қаерларда бўлишади!

— СССРга энг яқин орол-лардан бири Хоккайдода бизнинг мамлакатимиз билан япониялик ўртасида биринчи бор совет-япон дўстлик ва ҳамкорлиги бошланган. Шу ерда — Саппоро шаҳрида биринчи япон-совет дўстлиги уйи очилди. Япониялик меҳмонларнинг бу сафар шаҳримизга келишларининг асосий сабабларидан бири шундаки Улуғ Ватан урушининг сўнгги йилларида Япония билан бўлган қисқа муддатли уруш даврида японлардан солдатлар асирга тушган эдилар. Ўзбекистонда, айниқса Тошкентдаги қурилишларда бу ҳарбий солдатлар меҳнат қилишди. Уларнинг ҳаммалари ҳам ўз она юртига қайтиб кета олмадилар. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон тупроғига дафн қилинган.

Эртага, меҳмонлар Тошкент билан танишганларидан сўнг, В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйишади. Шундан сўнг Волгоград кўчасидаги «Якка—Сарой» қабристонига дафн этилган япониялик ҳарбийлар учун ўрнатилган ёдгорликнинг тантанали суратда очилиш маросими бўлади. «Интурист»нинг маданий алоқалар—ахборот марказида урушга қарши қасамёд йиғилиши бўлиб ўтади.

Япониялик меҳмонлар Тошкентда бўлган вақтларида кенг жамоатчилик ва меҳнаткашлар билан «Осиё ва Тинч океан регионида тинчлик ва куролсизланиш учун» мавзусида суҳбатлар ўтказилади. 24 майда меҳмонлар Самарқандда бўлишади ва шундан сўнг яна Ўзбекистон пойтахтига қайтиб келишади. Бу ерда улар «Ўзбекфильм» киностудиясида, тиббиёт ўқув юртида ва бошқа кўплаб шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларида бўлишади.

Суҳбатдош Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ТИЖОРАТ БИСОТХОНАСИ: САЛОМГА ЯРАША АЛИК

⊙ Жумҳурият матбуотида кўплаб корхоналарни бирин-кетин тўла хўжалик ҳисоби, ўзўзини молиявий таъминлаш, иқтисодий мустақиллик шароитида иш юритта бошладилар. Аксарият жамоалар яхшигина даромадга эга бўлса, баъзиларининг ишларини тиклаб олиш учун етарли маблағларга эга эмаслар.

Шаҳримизда ўтган йилдан бери фаолият кўрсата бошлаган «Осиё-Банк» тижорат банки (бисотхонаси) ҳар иккки турдаги корхоналар учун энг яқин мададкор бўлиши мумкин. Ҳозиргача ўтган қисқа фурсат фикримизнинг яққол далилидир. Бисотхонанинг бугунги кундаги фаолияти, олдига қўйган вазифалари ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳақида «Осиё-Банк» бошқармасининг раиси Бахтиёр Халилович Халилов мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

«ОСИЁ-БАНК» тижорат муассасасини ташкил этишга кўплаб молия ташкилотлари ўзларининг ҳиссаларини қўшганлар. Жумҳуриятдаги Давлат суғурта бошқармалари, вилоят комсомол қўмитаси, омонат банклари вилоят бошқармаси, «Ритм» ёшлар маркази, Тошкент вилоятининг турли ноҳияларидаги омонат банклари, колхозлар, «Ўзбекистон» ширкатлар бирлашмасининг аъзолари ўз жамғармалари билан молиявий асосимизни яратдилар. Бунинг учун мазкур ташкилот жамоаларидан ниҳоятда мамнунмиз. Уларнинг ёрдамлари туфайли банк оёққа турди десак, муболаға бўлмайди. Унинг молиявий маблағлари кундан кунга ошиб бормоқда. Вақтинча ишлатилмай турган пул маблағларини тижорат банкига қўйган корхона ва ташкилотлар йил якунига кўра 7—8 фоиз миқдорида устама фойда олишлари белгиланган. Шунинг учун ҳам бу хизматдан фойдаланиш хўжалик ҳисоби, иқтисодий мустақиллик шароитида меҳнат қилаётган ва даромад фондига эга бўлган корхоналар учун ниҳоятда қулай. Бугунги кунда жумҳуриятимиз ҳам иқтисодий мустақиллик тараддудида. Шундай экан, илғор корхоналар ўз улушлари билан бошқа жамоаларнинг оёққа туриб олишларига ёрдам қилиш билан бирга, ўз жамғармаларини бойитиш имконига эга бўладилар.

Ҳозиргача 62 та корхона, давлат ширкатлари, жамоат ташкилотлари ва пудратчилар ўз ҳиссобларини очиб бисотхона хизматидан фойдаланяптилар.

60 корхона, ташкилот ва пудрат жамоалари ва якка тартибда меҳнат қилувчиларга эса 6 миллион 009 минг 200 сўм миқдорида қарз берилди. Мазкур корхоналар келгусида ўз фаолиятларини жонлантириб олишларига умид боғлаяпмиз. Ишлатилмай турган пул маблағларини муомалага киритиш молиявий танглик ва пул муомаласидаги номутаносибликни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг натижасида халқ истеъмоли моллари ва аҳолига хизмат турларини кенгайтириш, унинг янги кўринишларини яратиш имконияти туғилади. Бисотхонанинг устав фонди, яъни бугунги кундаги маблағлари 4 миллион 630 минг сўмни ташкил этади. Унга улуш қўшган жамоалар ўз маблағларининг 6 фоизи ҳажмида, жаъми 80 минг сўм устама фойда олдилар.

«Осиё-Банк» хизматидан ҳамма фойдаланиши мумкин. У фақатгина пул жамғармалари билангина чекланиб қолмаяпти. Тижорат муассасаси ҳамшаҳарларимизга ва жумҳурият аҳолисига турли хизмат турларини тавсия этади. У Совет Иттифоқи чегарасида жойлашган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ҳамда ўзаро ҳамкор — қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатади. Шунингдек корхоналар, бирлашмалар, ёшларнинг марказлари, пудрат ва якка тартибда ишлаётган шахсларни халқ истеъмоли моллари, маҳаллий хом ашёлардан жумҳуриятимиз учун зарур бўлган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган фаолиятларини маблағ билан таъминлайди. Чунки айнан мана шу истеъмол моллари ва «Уй-жой» дастурини амалга ошириш бугун ҳамманинг олдига қўйилган муҳим муаммодир. Уни ҳал қилишга ҳисса қўшиш эса биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Меҳнат жамоаларининг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган бошқа йўналишдаги фаолиятларига ҳам узоқ ва қисқа муддатли кредит бериш, уларнинг хўжалик фаолиятларида шериклик йўли билан иштирок этиш, қўшма корхоналарга ўз маблағини қўшиш, чиқариладиган пул акцияларини сотиб бериш вазифаси ҳам иш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан.

Ўзбекистонимиздаги озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли даражада эмаслиги ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан. Юқорида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат жамоалари бизнинг фондимизга пайчилик улушларини қўшганликлари ҳақида тўхталгандим. Ташкилотимизда бундай жамоалар рўйхати янада кенгайишини истардик. Қисаверса, ўзимиз ҳам саломга яраша алик тарзида қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи корхоналар, хўжаликларга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, етиштирилган ҳосилни сақлаш, қайта ишлаш, нес-нобудсиз сотишга қаратилган хўжалик фаолиятларида бисотхона биринчи навбатда ўз маблағлари билан кўмак беради. Шунингдек, жамоамиз ўз улушчилари ва мижозларига ички бозор имкониятларини ўрганиб, ишлаб чиқариш ускуналари, жиҳозлари турли хом ашё маҳсулотларини топиб бериш йўли билан уларнинг хўжалик фаолиятларини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Тижорат муассасасининг режалаштирилаётган фаолиятларидан бири «Холдинг» операциясидир. Бу йўналишда бисотхона ўз ишини юргиза олмаган корхоналарни сотиб олиб, уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатади, меҳнат жараёнларини тиклаб, ривожлантиришга ёрдам беради.

Жумҳуриятимизда илм-фан ва техника ихтироларини жадаллик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш иқтисодиётни юксалтиришдаги муҳим омиллардан биридир. Лекин жумҳуриятимизда кўп ҳолларда ажойиб фикр ва ихтиролар қўллаб-қувватланмай қоғозда қолиб кетаётганлиги ҳеч ким учун сир эмас. Бу иқтисодий тараққиёт суръатларини сусайтиради холос. Назаримда илмий муассасалар, техник ижодий жамоалар, рационализатор ва ихтирочилар, ёшлар ташкил этаётган илмий-техник марказлар томонидан яратилган, ҳам техник, ҳам иқтисодий жиҳатдан асосланган янгиликларни ҳаётга тадбиқ этишда тижорат бисотхонасининг иштирок этиши кўпчиликка маъқул тушяпти.

«Осиё-Банк» аҳолининг пул жамғармаларини сақлаш учун қулай ва фойдали шартларда қабул қилади. Жамғарманинг икки тури жорий этилган бўлиб, доимий фойдаланиб турадиган ҳисобларда камида 500 сўм, муддатли турига эса 5000 сўм миқдорида пул қўйиш мумкин. Мазкур жамғармаларга йилига камида 4 фоиз миқдорида даромад тўланади. Бундай жамғармалар қанча кўп муддат сақланса даромад ҳам шунча ортиб боради.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналар, чет мамлакатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналарни тузиш қоидалари ва уларнинг ҳуқуқий фаолияти масалалари билан қизиққан жамоалар ҳам бизга мурожаат қилишлари мумкин. Ҳозиргача биз «Камолот», «Жасорат», «Тараққиёт» сингари қўшма корхоналарни бунёд этдик. Бу корхоналар жумҳуриятимиз қишлоқ аҳлидан ортиқча маҳсулотларни сотиб олади. Келгусида мазкур корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва зарур жойларга жўнатиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек бу маҳсулотлар эвазига жумҳуриятимиз аҳли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини Иттифоқимизнинг бошқа регионларидан олиб келинади.

Бисотхона жамоаси қошида 3 та хўжалик ҳисобидаги корхона фаолият кўрсатяпти. Халқ амалий санъати устахонасида наққошлик, ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги қимматбаҳо тошлардан безаклар тайёрлаш, қадимий миниатюра санъатини тиклаш, шунингдек аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади. «Осиё» корхонаси ҳамда «Бунёдкор» корхоналари ҳам бугун халқимизнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиляпти.

Бисотхона томонидан яқин келгусида 5,0 миллион сўм миқдорида акциялар чиқариш режалаштириляпти. Бундай акциялар 100000, 50000, 25000, 10000 сўм қийматига эга бўлган қимматбаҳо қоғозлар тарзида бўлиб, улар корхона ва ташкилотлар орасида сотишга мўлжалланган. Меҳнат жамоалари бу акцияларни ортиқча пул маблағлари ҳисобига сотиб олишлари мумкин. Бунинг эвазига йилига 8 фоиз устама ҳақ тўланади.

«Осиё-Банк» жамоаси биринчи навбатда ҳамшаҳарларимиз оғирини енгил қилади деган ниятдамиз. Бизнинг хизматимиз билан қизиққан ва ундан фойдаланган жамоалар ҳеч нарса йўқотмайдилар, аксинча ўзларининг бир талай муаммоларини қийналмасдан бартараф этадилар. Ҳозиргача хизматимиздан фойдаланаётган корхоналарнинг фаолияти шундан дарак беряпти. Хўжалик ҳисоби шароитида муваффақиятли натижаларга эришиш, аҳолининг кундалик талабларини бажариш, халқ истеъмоли буюмларини кўпайтириш, ёш ихтирочиларни илҳомлантириш — бу ишларнинг ҳаммаси жумҳурият аҳлининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги йўлида қилаётган ишлардир. Уйлаймизки бу ишлар жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақил шароитда фаолият кўрсатишн учун ниҳоятда муҳим.

Суҳбатни Васида МАДИМАРОВА ёзиб олди.

● ЛОНДОН. Ву ерда Ирландия жумҳурият армияси икки марта террорчилик ҳаракати қилди. Натижада Британия армиясининг сержанти ҳалок бўлди ва бир неча киши жароҳатланди. Буюк Британия Бош министри Маргарет Тэтчер ана шу ҳаракатни қоралади. У мамлакат парламенти жамоалари палатасида гапириб, Лондоннинг Элтем ва Уэмбли районларида портлаган бомбалар учун жавобгар кишилар «руҳий касал» эканлигини айтди. Унинг сўзларига қараганда, бу одамлар «ўзларининг ҳам, уларни қўллаб-қувватлаётганларнинг ҳам обрўсиниқ тўкадилар, шарманда бўладилар, ўзлари интилаётган мақсадни йўққа чиқарадилар». Лейбористлар партиясининг раҳбари Нил Кинок ҳам Элтемдаги армия ўқув маркази ва Уэмблидаги армияга ёллаш пункти олдида портлашни уюштирган кишиларни қоралади, парламентнинг барча аъзолари, деб таъкидлади у, ана шу ҳуружлар муносабати билан ғазабланганликларини яқдил билдирмоқдалар. Кинок Уэмблида портлаш натижасида ҳеч ҳалок бўлган Британия армияси сержанти Чарльз Чэмпеннинг оиласига таъзия билдирди.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ маъмурияти Европада оддий қуролли кучлар ҳамда қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги шартнома тезроқ тузилиши учун куч-ғайрат сарфлаши керак. Массачусетс штатининг Бруклин шаҳрида жойлашган мудофаа ва қуролсизланиш муаммоларини ўрганиш институтининг мутахассиси Конрад Миллернинг фикри шундай. Унинг сўзларига қараганда, президентлар М. С. Горбачев билан Ж. Буш ўртасида бўладиган олий даражадаги учрашув ушбу муаммога доир музокараларни кучайтириш учун яхши имконият бериши мумкин.

Президент Буш Қўшма Штатларнинг 1990 йилда оддий қуролли кучлар ва қурол-яроғлар юзасидан шартнома тузиш ишларини тугатишнинг қатъий тарафдори эканлигини айтди, деб ёзади «Крисчен сайенс монитор» газетаси саҳифаларида америкалик мутахассис, — Мальта соҳилларида бўлган олий даражадаги учрашувда Буш ва Горбачев ушбу мақсад тарафдори эканликларини биргаликда айтишганди». Совет ва Америка раҳбарларининг навбатдаги учрашувидан, деди у, шартноманинг янада аниқроқ йўналишлари ва уни ишлаб чиқиш муддатини белгилаш учун фойдаланиш мумкин бўлур эди. «Буш ташаббус кўрсатиши ва Ғарбни янада уддабуронлик билан йўл тутишга олиб келиши керак», — деб уқтиради мутахассис. У айни вақтда Венадаги музокараларнинг боришига иккинчи даражали муаммолар тўсқинлик қилишига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлайди.

● ЛУАНДА. Ангола халқ жумҳуриятининг мудофаа министри Педру Мария Тонья Зоир маъмурларини оппозициячи Унита гуруҳларига Ангола халқ жумҳурияти шимолида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун таянч базаси сифатида мамлакат ҳудудини бераётганликда айблади. Министр Уйже шаҳрида сўзга чиқиб, мамлакатдаги аҳволни тинч йўл билан бартараф этиш жараёни тащқарида тинимсиз аралашув бўлаётганлиги сабабли боши берк кўчага кириб қолганини таъкидлади.

Жумҳурият янгиликлари

⊙ «ШИРМОНБУЛОҚ» Бутуниттифоқ саёҳат базаси эндилиқда байналмилалчи жангчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Асосан область қишлоқларида яшайдиган 264 нафар собиқ «афғончи» ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаб олиши учун бу ерга бепул путёвкалар билан қабул қилинди.

Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмалари область комитети, область комсомол комитети, байналмилалчи жангчилар область кенгаши ва «Андижантурист» саёҳат-экскурсия ишлаб чиқариш бирлашмаси бу хайрли ишнинг ташкилотчилари бўлишди. Улар байналмилалчи жангчиларнинг яхши дам олишлари учун шароит яратиб беришди, ҳар бири 88 сўм турадиган йўлланмалар ҳақининг ҳаммасини тўлашди.

Собиқ жангчилар даволанишдан ташқари «Шайтон дара», «Сув ғор», «Ширмонбулоқ чашмалари» каби ҳушманзара жойлар бўйлаб қизиқарли сафарларга чиқишади.

⊙ ТЕРМИЗ яқинидаги «Жайронхона» Бальнеология шифохонаси территориясида уруш ва меҳнат ветеранлари учун ихтисослаштирилган бўлим очилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 30 киши даволаниб, муолажа олиши мумкин.

Янги бўлим шифохонанинг капитал ремонтдан чиқарилган корпусида жойлашди. Бу ерда беморларни эътибор ва ғамхўрлик билан қуршаб олиш учун барча шароит яратилган.

(ЎзТАГ мухбири).

⊙ МУСОБАҚА СОВРИНДОРЛАРИ. «Октябрь 50 йиллиги» комидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиали жамоаси шу йилнинг биринчи уч ойлигида Сергели районининг корхоналари ўртасида ўзаро мусобақада иккинчи ўринни эгаллашди. Шу филиалнинг тикувчилик цехи мураббийси чевар К. Никонорова пешқадам тикувчи З. Рўзиева билан.

Р. Шарипов сурати.

Хорижий мамлакатлар учун

⊙ МОСКВАДАГИ Ўзбекистон ваколатхонасида жумҳурият корхоналарида тайёрланган кенг истеъмол буюмлари кўргазмасини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Бундан мақсад жумҳуриятимиз корхоналарида тайёрланган истеъмол буюмларни хорижий мамлакатларга сотиш ва айрибош қилишдир.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

Кўзбўямачилик барҳам топадими?

76-кўчма механизациялашган колоннанинг Бахтиёр Раҳматов етакчилик қилаётган бригадаси «Узводспецмеханизация» трестида дуруст жамоалардан бири ҳисобланади. Айни кунларда қурувчилар Чилонзор райони ҳудудидаги Фарҳод кўчасининг «Ц» мавзеида ҳар сменада 100 беморга медицина хизмати кўрсатишга мўлжалланган икки қаватли болалар поликлиникаси қурилишида камарбасталик қилишяпти. 22 кишидан иборат аҳил жамоа мазкур бинонинг биринчи қаватини тугаллаб, иккинчи қавати қурилишини бошлашга тараддуд кўришаётган экан. Қурувчилар иши билан танишар эканмиз, улар ишлаб чиқариш муддатидан бир ой орқада қолиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунинг сабабини прораб Олимжон Ҳамидовдан сўрадик.

— Ўтган ойда юқори малакали ғишт терувчилар ва дурадгорлар етишмаганлиги, қолаверса баъзи қурилиш маҳсулотларининг вақтида етказиб берилмаганлиги сабабли шундай бўлди, — деди у. — Ҳозир иккинчи қаватни ҳам тугаллашимиз керак эди. Кўриб турганингиздек, эндигина биринчи қаватни тугалладик. Бунинг устига давлат қабули назоратчилари ҳам баъзи имконкятларимизни чеклаб қўйишмоқда.

— Қандай қилиб?

— Тўғри, улар сифатли қурилишни назорат қиладилар, лекин ишимизга тўсқинлик қиладиган тартиб-қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, бинонинг ер ости қисмини тўла қуриб битказмасдан туриб устки қисмини, биринчи қаватини батамом битказмасдан туриб иккинчи қават қурилишини бошлашга рухсат бермайдилар. Қачонки, ҳар бир қават тўла битказилишини кутиб ўтирамиз, улар текшириб, бу ҳақда акт ёзиб, сўнг навбатдаги қаватни бошлашга рухсат берадилар. Узингиз гувоҳи бўлиб турибсиз, ҳамма қурувчиларимиз биринчи қаватнинг охирги қисмида зилзилага қаршн сейсмик белбоғ учун яхлит бетон қуйиш билан овора. Бу пайтда ёрдамчи иш билан шуғулланаётган 4 та малакали ғишт терувчимиз биринчи қаватнинг тайёр бўлган қисмидан иккинчи қават деворлари ғиштини теришни бошлаб юборишн мумкин. Бунга эса давлат қабул ҳодимлари рухсат бермайдилар. Бу ҳам ишнинг илдам боришига тўсқинлик қилади. Бунинг устига қурилишни бошлаганимиздан бери ёлчитиб, тузуқроқ тахта ололмаяпмиз. Лойиҳа бўйича бинонинг ташқи эшиги устидаги айвонча учун монолит бетон қуйилади. Бунинг учун қолип тайёрлаймиз. Қолипни ушлаб турадиган, узунлиги 3 метр бўлган қалинроқ тахта олиб келиш учун буюртма бергандик. Бошқармамиз таъминотчилари эса узунлиги 4-5 метр, ҳаддан ташқари йўғон, эгри-бугри ходаларни олиб келиб ташлашди. Ходаларни кесиш учун электр арраларимиз бўлмаса? Уларни қандай қилиб ўрнатишга ҳайронмиз. Кран билан ўрнатишга ҳам ноқулай. Қўлда кўтаришга эса жуда оғир. Маълум бўлишича, 200 маркали бетоннинг ҳужжатида 300 деб ёзилибди.

Шу пайт қурилиш майдонига бетон юкланган самосвал кириб келди. Бетонни қабул қилиб олган Олимжон Ҳамидов ҳайдовчи қўлидаги ҳужжатга имзо чекар экан, пешонасини тириштирди. Маълум бўлишича, турли иш ҳақи пасайишига, норозиликларга сабаб бўладиган ғиштларни қаранг. Биз уларни Янгийўлдаги саккизинчи, Чирчиқдаги тўққизинчи ва Келесдаги еттинчи ғишт заводларидан оламиз. Ғиштлар ГОСТ талабига мутлақо жавоб бермайди. Бунинг устига уларни махсус қутиларда олиб келиш ўрнига самосвалда олиб келиб ағдаришади. Натижада ярми синиб кетади. Кўпинча келаётган ғиштлар сони унинг ҳужжатида кўрсатилганидан анча кам чиқади. Масалан, март ойида 3200 та деб кўрсатилгани 2600 та чиқди. Трестимиз базасидан керакли арматуралар ўрнига катта диаметрдагиларини беришди. Сейсмик белбоғ ичига «суяк» сифатида ишлатиш учун лойиҳада кўрсатилган 12 миллиметрли арматура ўрнига 16 миллиметрлисини ишлатишга мажбур бўлаяпмиз. Бу эса ўз-ўзидан, таннарх қимматлашиб, ишчиларнинг иш ҳақи пасайишига, турли норозиликларга сабаб бўладиган ғиштларни қаранг. Биз уларни Янгийўлдаги саккизинчи, Чирчиқдаги тўққизинчи ва Келесдаги еттинчи ғишт заводларидан оламиз. Ғиштлар ГОСТ талабига мутлақо жавоб бермайди. Бунинг устига уларни махсус қутиларда олиб келиш ўрнига самосвалда олиб келиб ағдаришади. Натижада ярми синиб кетади. Кўпинча келаётган ғиштлар сони унинг ҳужжатида кўрсатилганидан анча кам чиқади. Масалан, март ойида 3200 та деб кўрсатилгани 2600 та чиқди. Трестимиз базасидан керакли арматуралар ўрнига катта диаметрдагиларини беришди. Сейсмик белбоғ ичига «суяк» сифатида ишлатиш учун лойиҳада кўрсатилган 12 миллиметрли арматура ўрнига 16 миллиметрлисини ишлатишга мажбур бўлаяпмиз. Бу эса ўз-ўзидан, таннарх қимматлашиб, ишчиларнинг вақтида етказиб берилмаслиги, қолаверса маданий-маиший шароитларнинг қониқарсиз аҳволдалигига қарамай қурувчилар бинони ўз муддатида қуриб фойдаланишга топшириш учун ғайрат билан ишлаяптилар. Р. Бухарметов, Ф. Холбеков, В. Горлов, М. Сандхўжаев сингари азамат қурувчилар ўзларининг самарали меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўляптилар. Қурилишга янги келган ёш ишчилар малакали ишчиларга бириктирилиб, қурилишда турли касбларни ўзлаштириб олишларига кўмаклашиляпти.

Агар йўлингиз тушиб, метронинг Чилонзор бекатидан Фарҳод кўчаси бўйлаб юрсангиз, «Шуҳрат» магазинига етмасдан йўлнинг ўнг томонида қурилаётган мазкур бинога нигоҳингиз тушади. Бехитиёр бино учун нотўғри жой танланганини фаҳмлайсиз. Чунки йўл бўйида юқори кучланишли электр симлари ўтган. Қурилишнинг қонда ва нормалари бўйича бино ва иншоотлар бундай юқори кучланишли электр йўлларидан камида 30-40 метр узоқликда қурилиши зарур. Шунинг учун ҳам илгари қурилган уй-жой бинолари нормага риоя қилинган ҳолда, керакли масофада, бир текис қурилган. Лекин Чилонзор район Совети ижроия комитети мутасадди раҳбарлари рухсат берган янги болалар поликлиникаси эса шундоққина электр тузатиш симлари остида қурилаяпти. Ахир, кучли шамол бўлганда азим дарахтларнинг шохлари синиб, электр симини узиб юбормаслигига ким кафолат бера олади?

М. ОТАХОНОВ, ТошДУ талабаси.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Қурувчиларга осонми?»

⊙ Ана шу сарлавҳали танқидий мақолада Октябрь районидаги Самарқанд дарвоза кўчасида қад кўтараётган янги кўп қаватли турар жой бинолари бунёдкорлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни зарур қурилиш материаллари ва ҳоказолар билан таъминлаш масаласи кўтарилган эди.

Бу мақола юзасидан редакция иккита жавоб хати олди. Улардан бирида, жумладан, шундай деймлади:

— «Мен, 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармаси ишчиси В. Сайфиддинов жамоатчи мухбир Ш. Шоқосимовнинг ёзган мақоласини ўқиб ҳайратга тушдим. Наҳотки ўн бир йил ишлаб мен шу гапларни гапирган бўлсам. Тўғри, гўшт, сут маҳсулотларини етказиб бериш ҳозир оғир аҳволда, аммо тушуниш керак. Бу масалани ўз касаба уюшмамизда ўзимиз ҳал қиламиз».

Энди иккинчи жавоб хати билан танишайлик. Унга партия ташкилотининг котиби Т. Қаҳҳоров ва касаба уюшмаларн комитетининг раиси Ҳ. Сотволдиев имзо чекишган. Унда бу ҳақда, жумладан, шундай дейилади:

«Мақола қурувчилар ўртасида муҳокама этилди. Ҳақиқатан ҳам цемент етишмаслиги сабабли бетон ва темир-бетон масламалари ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Масалан, девор панеллари, юк ташиш лифтини вақтида олмадик.

12 қаватли турар жой бинолариии қуриш учун қўшимча ҳақ тўлаш, қурувчиларни сут билан таъминлаш масалалари эса мамлакат миқёсида ҳал этиладиган масалалар қаторига киради. Ҳозирча эса қурилаётган уйларнинг баландлиги нормадан ошмаганн учун қўшимча ҳақ тўланмаяпти. Қопдаги кўра сут фақат ёпиқ биноларда ва ҳавоси газли, масалан ертўла ва бошқа жойларда ишлаётган ишчиларгагина берилади.

Бизнинг трестимиз ва бошқармамиз 1979 йил май ойида ташкил этилган. Шу вақтдан бери ҳали бирон марта кофе, гречка ёки бошқа тансиқ маҳсулотлар олмадик. Қуюлтирилган сутни фақат бир марта беришди, холос. Гўшт масаласида ҳам аҳвол яхши эмас. Чунончи, трест ва бошқарма Октябрь районида жойлашган, аммо гўшт ва бошқа тақчил маҳсулотларни Акмал Икромов районидан оламиз. Эсимизда, ўтган йил охирида икки ойда бир марта гўшт ўрнига колбаса ва товуқ гўшти беришди. Февраль ойида эса гўшт ўрнига яна колбаса ва ўрдак гўшти беришди. Март ойида эса гўштни кўрмадик.

Умуман, трест раҳбарияти қурувчиларни маҳсулот ва моллар билан таъминлашни яхшилашга эриша олмаяпти. Бу эса ишчилар ўртасида норозилик туғдирмоқда, чунки улар бошқа районларнинг ишчилари қандай таъминланаётганини кўриб турибдилар».

Демак, жамоатчи мухбир Ш. Шоқосимов мақолада тилга олиб ўтган нуқсонлар иккинчи жавобхатида иккор этилмаган, балки аҳвол очиқ-ойдин кўрсатилган, нуқсонлар тан олинган. Халқимизда «Чучвара ейишдан мақсад гўшт емоқдир», дейилади. Биз жамоатчи мухбиримизнинг умуман қурилиш майдонидаги аҳволни тўғри кўрсатгани ва етилган масалани кўтарганига диққатни қаратмоқчимиз холос.

«Қачонгача «морж» бўламиз?»

⊙ «Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 4 январь сонида ана шу сарлавҳа остида луқма босилиб чиққан, унда Тошкент тўқимачилик комбинатининг темир йўл бирлашган хўжалигн ишчиларн учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилмаётганн таъкидлаб остига олинган эди. Бу мақола текширнб, чора кўриш учун Тошкент тўқимачилик комбинатига юборилган эди.

Таҳририят корхона бош муҳандиси В. Шименова имзоси билан жавоб хатн олди. Унда жумладан шундай дейилади:

— «Қачонгача «морж» бўламиз?» сарлавҳали мақолада кўтарилган муаммолар ҳақиқатан ҳам тўғри. Уларни тезлик билан ҳал қилишга киришилди. Мақола чиққандан сўнг, корхона маъмурияти тузатиш ва қурилиш бошқармаси бошлиғи О. Муродовга мавжуд камчиликларни бартараф этишни топширди. Тузатиш ва қурилиш бошқармаси раҳбарлари, корхона партия комитети котиби ва касаба уюшмаси раиси бундан кейинги ишларда юзакичиликка, сифатсиз ишлашга йўл қўймаслик тадбирларини белгиладилар. Ҳозир кийинши, ювиниш хоналари қайта таъмирланди, иссиқ сув муаммоси эса тўла ҳал этилди».

⊙ ПЕКИН. Велосипед минган аёл унга Гоби саҳроси томонидан келадиган қум чангларидан юзини муҳофаза қилишга мажбур.

(ТАСС).

Советлар мамлакатида

⊙ ЭНГ ГУЗАЛ ОИЛА — муносиб келин-куёвни топиш мақсадида «Келин-куёв» танлови ўтказилади. Бу «Европа — умумий уйимиз» шиори остида ўтказиладиган халқаро танловлар туркумининг илк босқичи бўлади. Ёшлар саройида Москва танлови бўлиб ўтди. Бутун Иттифоқимиздан 30 келин-куёв танлаб олинди. Улар Бутуниттифоқ танловида қатнашадилар. Айни пайтда Европа мамлакатларида ҳам ана шундай миллий танловлар ўтказилади.

СУРАТДА: Танловнинг якунловчи босқичи олдида турган Наталья Артемьева ва Роман Карпухин.

* * *

⊙ ПСКОВ ОБЛАСТИ. С. С. Гейченко А. С. Пушкин давлат музейи-қўриқхонасининг директоригина эмас, унинг бош асровчи ва маслаҳатчисидир. Бу ерга тез-тез шоирлар ва илмий ходимлар, рассомлар ва ҳарбий кишилар, сураткашлар ва қўшиқчилар келиб туришади. Улар Пушкинга, Пушкин музейининг бош асровчисига меҳр-муҳаббатларини билдирмоқдалар.

СУРАТДА: С. С. Гейченконинг туғилган кунини нишонлаш.

(ТАСС суратлари).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги «Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва 8-тресги базасидаги 5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1990-91 ўқув йилига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плиткачи-мозаикачилар, ғишт терувчилар, слесарь сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй. 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: Директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёг-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ АҲОЛИСИ УЧУН!

Маҳаллаларни ободонлаштириш дастури масалаларини ҳал эта бориб, шунингдек, Ғалаба куни муносабати билан

ҲАМЗА МАҲАЛЛАСИДА

29-МАГАЗИН ОЧИЛДИ

Унинг 200 квадрат метрга тенг савдо майдонида нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, атторлик, гастрономия бўлимлари, шунингдек, 3-гуруҳ моллари бўлими (ҳаммаси уй бекалари учун), «Ветеран» бўлими жойлашди. Бу замонавий, кўркам магазин. Ташриф буюриб бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

Иш вақти: соат 8 дан 20.00 гача.

Танаффус — соат 13 дан 14.00 гача.

Магазиннинг макони: Қурувчи кўчаси, 41, 64, 53, 110, 87-автобусларнинг «Хондамир» бекати.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДО ТАШКИЛОТИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Маданий меросимиздан

«БИР УМРЛИК ТОПШИРИҚ»

ЎЗБЕК совет адабиёти ва маданиятининг ривожида, айниқса 20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларнинг аввалида, тахминан ўн йилни ўз ичига олган бир даврда шоир, олим, журналист ва педагог Баҳром Иброҳимов — Иўқсулнинг ўзига хос ўрни, мустақил овози ва мавқеи бўлган.

Адабий ва маданий ҳаётимизнинг тараққиёт йўлидаги энг кескин ва шиддатли мафкуравий кураш қизиган бир даврда ижод майдонига кириб келган Баҳром Иброҳимов 1908 йилда Самарқанд областининг Ғаллаорол районида Усмат қишлоғида подачи оиласида туғилди. Болалик йиллари қашшоқлик ва муҳтожликда ўтди. Октябрь социалистик революциясига қадар тузуккина савод ҳам чиқара олмади. Революциядан кейин Жомбой қишлоғида очилган болалар уйида бошланғич таълимни олди. 1923 йилда Самарқандга келиб, билим юртига ўқишга кирди ва уни тамомлади. Айни бир вақтда муаллимлар тайёрлаш курсини ҳам ўтди. Озарбайжонга ўқишга кетиб, 1930 йилда муаллимлар олий педагогика институтини битирди. Шу йили Самарқандга қайтиб, Педакадемияда ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири вазифасида ишлай бошлади.

Баҳром Иброҳимов Самарқанд педбилим юртида ўқиб юрган чоғларидаёқ янги замон, унинг фазилати, истиқболи ва давр кишиларининг фидокорона фаолиятлари тўғрисидаги фикр, мулоҳаза ва андишаларини шеърда баён қилишга интилиб, билим юрти деворий газетасида фаол иштирок этди. 1925 йилдан бошлаб ўз шеър ва мақолалари билан вақтли матбуот саҳифаларида «Иўқсул» тахаллуси билан кўрина бошлади. «Гул бағрида тикан», «Йўлчи», «Тансиқ кунлар», «Зафар кунлари», «Аланга», «Комсомол», «Кўклам тунлари», «Сангзор» кечи» каби шеър ва («Тошўлат») ҳикояларида Ленинниинг доҳиёна ўгит ва кўрсатмаларининг, революцион ғояларининг, коммунистик мафкура ва онгнинг янгича социалистик ахлоқ талабларининг жўшқин тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди.

Шоир «Зафар кунлари» шеърида юртимизни мустамлакадан бир умрга халос этган Октябрь инқилобининг улуғвор ҳаётбахш қудрати ва аҳамиятини тараннум этди;

Қоронғу зиндонга нурлар сочилди,
У кунда яйради йўқсуллар эли,
Адашган йўлчига йўллар очилди,
Қувватдан қайрилди золимлар бели.

Иўқсул «Гул бағрида тикан» публицистик шеърида хотин-қизлар озодлиги душманларининг қилмишларини ўтли ғазаб билан фош қилар экан, душман ҳар қанча қутурса ҳам, барибир, янги социалистик ахлоқ ва муносабатлар учун бошланган кураш бугун бўлмаса, эртага тўла ғалаба қилажагини комил ишонч билан сўзлайди:

Қанча пишқирмасин қутурган ёвлар,
Синдирдинг бир умр у кўрган
ғовлар.
Опанг-сингилларинг боражак олға,
Ёвузлар бошига урурлар болға!
(1928 йил).

Бу ажойиб ва жасур инсон ҳақида А. Ҳакимов «Бир умрлик топшириқ» қиссасини яратган. Қиссадаги Мирзо Содиқ — Баҳром Иброҳимовдир. Қисса 1969 йилда Ғафур Ғулом номидаги нашриётда рус тилида чоп этилди.

Она юртидан узоқда бўлишига қарамай, Баҳром Иброҳимов Ватандаги ҳар бир тарихий ҳодисани, янгидан-янги оламшумул зафарларни изчиллик билан, ўзига хос синчковлик билан кузатиб борди, воқеалардан бохабар бўлиб турди. Таассуротларини шеърий тарзда битиб борди. Таассуфки чет элда Нажот таҳаллусида битилган шеърий дафтарлари сўнгги таҳликали кунларда йўқолди.

Ватанга эсон-омон қайтгач яна ижод, илмий фаолият билан шуғулланади. «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Ўзбекистон маданияти», «Ёш ленинчи» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномалари, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Муштум» жаридаларида шеър, ҳикоя ва илмий-публицистик мақолалар билан чиқиб турди. Шунингдек, у турк, эрон, пушту ва урду тилларидан тараққийпарвар ёзувчи ва шоирларнинг асарларини таржима қилди. Бундан, ташқари озар шоири Сулаймон Рустам, Аҳмад Жалил, тожик шоири Карим девонанинг шеърларини ўзбек китобхонларига тақдим этди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида шоир жанговар Қизил Байроқ нишони билан тақдирланди. Баҳром ака то вафотига қадар (1978) Беруний номидаги Шарқшунослик институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Бу орада назмий асарлар қатори ўз таржимаи ҳолидан ҳикоя қилувчи «Подачи» қиссасини битди.

Бугун биз оқшомхонлар диққатига унинг шеърларидан намуналарни ҳавола этмоқдамиз.

Муҳсин ЗОКИРОВ.

ЁР ҚЎШИҒИ

Куйга солиб чалай мунгли созимни,
Номард экан кўтармади нозимни,
Йўлар эдим кам бўлур деб жафоси,
Ситам қилсам ортар меҳру вафоси,
Истиғнонинг назокатин англамай,
Кетди ташлаб дил сўзини тингламай.
Қатор-қатор турна ўтди келмади.
Ул ёр учун нелар чекдим билмади.
Мана энди чидолмайман аламга,
Бир тукини алмашмайман оламга.
Насиб бўлиб кўзим тушса кўзига,
Нима дердим, ўрганибман сўзига.
Жонга дармон ҳар ситами, хитоби,
Айтган билан тугармиди китоби.
Шому саҳар кўз тутарман йўлига,
Берардим жон — қўлим тегса қўлига.
1962.

ҚАТРАЛАР

Бировга яхшилик қил, яхшилик,
Йўқ жаҳонда яхшиликдан,
яхшилик.

Ёмонликдан бўлмади ҳосил
мурод,
Борми ёмонликдан ҳунукроқ
қилиқ.
Арслоним турмушда умидсиз
бўлма,
Бировнинг ғамига шодланиб
қулма,
Гоҳ севинч, гоҳ алам бўлур
турмушда,
Адашма йўлингдан, туриш бер
ишда.
Сўз борки, берар жон, ҳамда
нар жон,
Бир зумда ким солар дилга
ҳаяжон.
Ўйлаб гапир, оғритма бежо сўз
ила,
Дилни қилар вайрон, жигар
тўла қон.

⊙ **СУРАТДА: Баҳром Иброҳимов (ўнгда) машҳур шоир Нозим Ҳикмат (ўртада) билан.**

Тил тўғрисидаги Қонун—амалда

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРИ

(Оқшомхонларнинг хатларини ўқиб)

Қайта қуриш ва ошкоралик туфайли маънавий қадриятларимиз бағрига ҳам шамол тегди. Турли сабаблар туфайли қатағонга учраб, йўқолиб кетаётган урф-одатларимиз, тарихий номлар тикламоқда, шаҳар жойлари, кўчаларининг пала-партиш номлари тартибга келмоқда, аҳоли талабига кўра номлар ўзгаряпти.

Бироқ редакцияга келаётган хатларни кўздан кечирар экансиз, ҳали бу борада талай ишлар қилиш кераклигининг гувоҳи бўламиз. Талабчан ҳамшаҳарларимиз атамаларни тартибга солишни жадаллаштириш зарурлигини уқтириш билан бирга, қатор таклиф ва истаклар ҳам билдиришган.

«Тошкент оқшоми» рўзномасида берилган номларни, ўзгартириш мумкин бўлган кўчалар рўйхатини ўқиб, жуда хурсанд бўлдик, — деб ёзишади Тошкент машинасозлик-конструкторлик бюроси инженерлари Х. Ҳасанов, К. Собитов ва О. Зокиржоновлар. — Лекин, рўйхатда берилган кўчаларнинг ҳозирги номлари ҳеч бир тузукроқ маъно бермайди. Уларга янги ном берилаётганида иложи борича эски, тарихий номи, миллийлиги эътиборга олиниши керак. Кўчаларимиз номининг чиройли бўлиши шу ерда яшовчилар учун ҳам фахрли бўлади. Чунки «Биз «Калюжний» ёки «Кривой» деб номланган бошқа берк кўчада турамиз», — дейиш жуда ноқулай ва кулгили.

Энди ўзимизнинг таклифларимизни ҳам билдирмоқчи эдик. Шаҳримиздаги районлар, маданият ва истироҳат боғлари, кўча ва майдонлар, кинотеатр ва меҳмонхоналарнинг номларини эски тарихий жойи ёки миллий номларга ўзгартиришни таклиф қиламиз.

Бу билан биз таниқли кишиларнинг номларини камситмоқчи ёки миллатчилик қилмоқчи эмасмиз. Балки адолат қарор топишини, миллий руҳ акс этишини, қадриятларимиз қадр топишини истаймиз. Бу номлар жуда кўп жойларда такрорланади ва кўплаб англашилмовчиликларга олиб келади. Шунинг учун ном маълум жойга, бир марта берилса янада қадрли бўлади».

«Атамалар комиссияси фақат кўча номларинигина эмас, балки ҳар бир қаҳвахона, ошхона, чойхона ёки аҳоли гавжум бўладиган жой номларининг аталишига ҳам катта масъулият билан эътибор бериши керак, — деб ёзади ўз мактубида «Оқшом» мухлиси Суннатилла Ризаев. — Номларнинг, атамаларнинг ёзилишида албатта бир хиллик бўлиши керак. Акс ҳолда чалкашликларга олиб келади. Масалан, биргина БИР ЗУМДА (қаҳвахона номи) сўзи Октябрь ноҳиясидаги 8, 11-трамвайларнинг 1-шаҳар касалхонаси бекатида «БИР ЗУМДА», Чорсу бекатида БИР — ЗУМДА, Талабалар шаҳарчасида БИР ЗУМДА, Бош универсал магазини рўпарасидаги қаҳвахона БИР. ЗУМДА шаклларида, яъни тўрт хилда ёзилган. Аслида тиресиз, қўш тирноқсиз, нуқтасиз БИР ЗУМДА деб ёзилгани имло нуқтаи назаридан тўғри ва маъқул-ку!!!»

Маънавий қадриятларимиз ҳақида гап кетганда, яна бир мактуб киши диққатини ўзига тортади.

«Ўзбеклар халқпарвар, етимпарвар халқ ҳисобланади. Халқимиз Октябрь инқилобидан кейинги Россиядаги очарчиликлар ва қийинчиликлар натижасида дарбадарликка дучор бўлган юпун кишиларнинг бошини силади. Уларга нон, бошпана ва иш берди. Кейинги уруш даврида кўчиб келган барча халқларни, етимларни ўз бағрига олди. Уларга ўзи еб турган насибаларидан ажратиб берди, — деб ёзади ТошДУ доценти Маъруф Икромов. — Буни ҳамма билади. 1944 — 1945 йилларда бизнинг уйимизнинг қаршисига бир қрим татар оила кўчиб келди. Ҳар куни кечқурун онам раҳматлик уларга бир кастрюлкада овқат бериб турар эдилар. Уша қийинчилик вақтида ҳамма хонадонларда ҳам жуда сифатли овқатлар бўлавермас эди, албатта. Шунингдек, бизда ҳам картошкали, ош қовоқли, лавлагили овқатлар бўларди. Шундай овқатларни қўшни татарлар билан баҳам кўрардик. Кунлардан бир куни татар кампир йилтироқ-кумушранг қошиқлар кўтариб чиқди ва онамларга егулик нарсаларга алмаштиришни сўради. Онам отамларга кириб воқеани тушунтирдилар. Улар — эр-хотин маслаҳатлашиб, 15—16 килограмм атрофида картошка, 6—7 килограмм маккажўхори ва туршакжийда бериб, қошиқларни ўз эгасига қайтариб бердилар. Бу ишни очарчилик пайтида ниҳоятда олийжаноблик эканини тушуниш қийин эмас. Бундай олийжанобликлар жонажон Тошкентимизнинг минг-минглаб кишилари томонидан оддий одамийлик сифатида бажарилиб келинган. Бу халқпарварлик, одамийлик, қолаверса, байналмиллаллик эмасми? Ўзбек халқининг байналмиллаллигини барча билади. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп.

Кейинги даврда сохта байналмиллаллик баҳонасида шаҳар кўчаларига, хиёбонларга ва бошқа ерларга унинг тарихига алоқаси бўлмаган турли-туман номлар қўйилиб ташланди. Натижада шаҳар тарихи, унинг ўзига хос шарқий анъаналари йўқола бошлади.

Қаранг, шаҳарнинг энг катта кўчалари Шота Руставели, Богдан Хмельницкий, Куйбишев, Луначарский ва ҳоказо номлар билан юритиладиган бўлди. Энди инсоф билан қараганда, Тбилисида бирорта Тошкентдаги Шота Руставели кўчасидек кўчага ўзбек номи берилганми? Йўқ. Ёки Киевда Тошкентдаги Богдан Хмельницкийдек кўчага ўзбек номи берилганми? Йўқ.

Тил ва адабиёт, албатта, шу соҳа мутахассисларининг иши. Лекин адабиёт барча халқни қизиқтиради. Шу борада адабиётчиларга тегишли бир гапни айтгим келди. Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтига Пушкин номи берилган. Шуниси қизиқки, Пушкиннинг ўзбек тили ва адабиёти билан ҳеч қандай алоқаси бўлганми? Йўқ, албатта. Шунинг учун мазкур институтни Маҳмуд Қошғарий ёки Алишер Навоий номи билан аташ ҳар тарафлама ўринли бўлса керак. Пушкин номи билан эса Рус тили ва адабиёти педагогика институтини аташ жоиздир, деган фикрдаман».

Ушбу мактуб яқинда бўлган воқеани ёдга солди. Уч кун мобайнида Алишер Навоий ҳазратларининг каттароқ ҳажмдаги суратларини излаб, шаҳримиздаги деярли барча китоб, ўқув қуроллари, ёдгорликлар дўконларидан топа олмадик. На Алишер Навоий, на Бобур, на Нодира... хуллас, ўзбек халқининг бирорта алломаси суратини на савдодан, на бозорлардан топа олдиз. Охири ширкатларга мурожаат қилдик. Ярим яланғоч аёллар, эстрада юлдузлари тасвирлари туширилган катта-катта суратлар...

Наҳотки, Навоий, Бобур, Увайсий, Нодирадек дунёга машҳур классикларимиз ҳурматга лойиқ бўлмасалар? Йўқса, С. Есенин ҳайкалчалари билан бирга Навоий ҳайкалчалари ҳам ишлаб чиқарилган бўлур эди. Маяковский портрети билан бирга Бобур портрети ҳам ўз мухлисларининг уйларини безаган бўлур эди. Рус ҳарбий саркардалари бюстчалари билан бирга С. Раҳимов бюст (ча)лари ҳам дўкон пештахталаридан ўрин олган бўлар эди. Қани улар?

Яна бир масала. Истаган мактабингизга боринг, хоҳлаган ўзбек тили ва адабиёти ёки тарих фани хонасига киринг, ундан чиқиб рус тили ва адабиёти ёки тарих фани хонасига киринг. Хўш, нима? Катта тафовутга дуч келишингиз аниқ. Қандай тафовут дейсизми? Кўргазмалилик, синф хонаси безаклари орасидаги тафовут ҳақида айтаяпмиз. Ўзбекистонда ўзбек тили ва адабиёти, тарих фани хоналари шип-шийдон. Агар ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси ўз ёнидан пул харж қилиб, бирор рассомни ишга солиб, ўзбек классиклари суратини ишлатмаган бўлса, хонада асосан ўзбек совет адабиёти вакиллари: Зулфия, Уйғун, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом каби атоқли ўнга яқин шоир ва ёзувчиларнинг бир қаричлик суратларидан бошқа кўзга «ялт» этиб ташланадиган, ҳавас қилса арзигулик нарса топа олмайсиз. Навоий, Бобур, Нодирабегим портретларини таниш мусаввирларга илтимос қилиб, чиздиртирган ўқитувчилар қанча!

Тошкентда ҳозир 657 та боғча ва ясли бор. Шундан атиги 92 тасида фақат ўзбек тилида иш олиб борилади. Қолган 499 тасида фақат рус тилида тарбия берилади. Шундан 66 таси икки тилликка ихтисослашган. 1990 йилнинг ўзида 18 та боғча ишга тушди. Ва ҳаммаси икки тилликка ихтисослашган. Боғчаларга қадам ранжида қилсангиз, тарбиявий восита сифатида халқ эртакларидан суратлар ишланган. Лекин суратлар орасидан «Эрали ва Шерали», «Уч оға-ини ботирлар», «Эгри ва Тўғри» каби ўзбек халқ эртакларига ишланган суратларни қидириб овора бўласиз. Яна фарзандларингиздан: «Ўзбекча эртак ёки қўшиқ биласанми?» — деб сўраб, болани уялтирманг.

«Средазкабель», «Тошкент трактор заводи», В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаларн каби йирик корхоналарда бўлган одам бу жойларга ҳали давлат тили тўғрисидаги Қонун етиб келмаганлигига гувоҳ бўлади. Яқинда биз «Средазкабель»да бўлдик. Бу ерда ўзбек тилида ёзилган бирорта лавҳанинг учрамаслигини қандай баҳолаш мумкин? Корхона фирқа ташкилоти хонасидаги 11 та ахборот ва шиорлар ёзилган лавҳаларнинг биттасигина, 18 хил рўзнома тўпламларидан иккитасигина Давлат тилидадир. Завод бўйича мавжуд юздан ортиқ кўргазма, лавҳа ва шиорларнинг фақат биттаси ўзбек ва рус тилида...

Айрим шаҳар ташкилотлари: аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш муассасалари тасарруфидаги сартарошхоналар, суратхоналар, қаҳвахоналар, ошхоналар, дўконларнинг пештоқидаги, ичларидаги ёзувлар ўзгармаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Ёки бу ерларда Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш тўғрисида яна битта қонун чиқаришни пойлаб ўтиришибдими?

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Дилмурод САИДОВ.

КЎРГАЗМА ЖОЗИБАСИ

⊙ **Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи жумҳуриятимиздаги энг йирик санъат кошоналаридан ҳисобланади. Бу ерда нафақат ўлкамизда етишиб чиққан мусаввирлар, шунингдек, Иттифоқимиз ҳамда чет элларда яшаб ижод қилган ва ижод қилаётган ижодкорларнинг ишлари намойиш этилади. Сўнгги пайтларда қандай кўргазмалар ташкил этилганини билиш мақсадида музейнинг катта илмий ходими М. Аҳмедов билан суҳбатлашамиз.**

— Иккинчи қаватда қадимий ўзбек мўйқалам ва кулолчилик санъати усталарининг асарлари намойиш этиляпти, — дейди Маҳмуд ака. — Бу ерда IX — XII асрларда Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда ишланган кулолчилик санъати, Бухоро арки, Мир Араб мадрасаси кўргазмаси қўйилган. Ўрта Осиё халқлари санъати бўлими ҳам кишининг диққатини ўзига жалб этади. Айниқса, келувчилар ҳозирги замон сопол буюмларини қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР халқ рассоми М. Раҳимовнинг 1960 — 1980 йилларда ишлаган сопол буюмлари доимий кўргазмадан жой олган.

Яна санъат кошонамизда мавсумий кўргазмалар ҳам ташкил этилган. Масалан, Самарқанд рассомлик билим юртини очган таниқли рассом Павел Беньков таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мавсумий кўргазма шулар жумласидандир. Бунда рассомнинг «Эски Бухоро кўчаси», «Вибихоним мачитида баҳор», «Чор-Минор мадрасаси», «Ўзум бозори» расмлари намойиш этиляпти.

Шунингдек, хорижий Шарқ санъати бўлимида ҳам талайгина ноёб асарлар бор. Улар орасида айниқса хитой чиниларининг нафислиги алоҳида ажралиб туради. Ҳиндистон мусаввирлари ишлаган асарлар ҳам киши диққатини ўзига тортади. Шу билан бирга ипак гилам, ликопчада рақс тушаётган қиз сурати, фил суягидан тайёрланган ҳайкалчалар ҳам юксак дид билан ишланган.

Ҳа, бу ерга ташриф буюрган одам анчагина таассурот олиб чиқади. Ва ота-боболаримиз санъатига яна бир бор таҳсинлар ўқийди.

Ҳа, ҳар бир кўргазманинг ўзига хос жозибаси бор. Лекин шу ўринда оддий бир санъат ихлосманди сифатида баъзи бир мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтишим даркор. Масалан, бу ердаги кўпгина маълумотлар фақат рус тилида ёзилган. Иккинчи қаватдаги томошага кўйилган асарлар изоҳи ҳам фақат русча берилган. Шу каби камчиликларга эътибор қаратилса чакки бўлмасди. Чунки бу ер муқаддас даргоҳ — халқимизнинг узоқ йиллик санъати намойиш этиладиган жойдир.

Ғулом ЮСУПОВ,
ишчи.

СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига яқинда бир йил бўлади. Хўш, шу муддатда ушбу ҳужжатда белгиланган тадбирлар юзасидан нима ишлар қилинди. Жиноятчиликка, хусусан уюшган жиноятчиликка қарши курашда қандай самарали усуллардан фойдаланилмоқда! Кўпчиликни қизиқтираётган бу саволларга жавоб топиш учун Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Уралм Абдуғаниевич Абдуғаниевга мурожаат қилдик.

Долзарб мавзуда суҳбат

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

— **Уралм Абдуғаниевич, мазкур қарорда хатарли жиноятчилар, уюшган жиноий гуруҳларга нисбатан қатъий кураш олиб бориш алоҳида қайд этилган эди.**

— Бу ҳақда гапирганда, аввало шуни айтиш керакки, милиция ҳаётида муҳим воқеа бўлган бу қарор эълон қилингандан маълум муддат ўтиши биланоқ, жойларда муваққат комитетлари тузилиб, рейслари белгиланди. Улар эндиликда умум жамоатчилик мадатига таяниб иш олиб бормоқдалар.

Ҳаракатчан милиция соқчилари ва жиноят қидирув ходимларининг зудлик билан ҳаракат қилишлари учун керакли техника воситалари билан таъминлаш чоралари ҳам ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келмоқда. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Қўлга олинган бундай гуруҳлар ҳақида матбуотда тез-тез хабарлар бериб турилибди.

Кейинги вақтда шаҳримизда жиноятчиликнинг бу тури тобора ортиб бормоқда. Буннинг икки сабаби бор. Биринчиси, босқинчилар талаб қилган пулни ими-жимида олиб бориб, осонгина ўзини ёки бирор яқин кишисининг жонини ўлимдан сақлаб қолиш тарафдорларининг миқдори кўпайиб бораётганлигида бўлса, иккинчидан, ҳеч қандай хавф-хатарсиз бундай мўмай пулдан бахраманд бўлаётган жиноятчиларнинг нафси борган сари ҳакалак отиб бораётганлигида, деб ўйлайман. Жиноятнинг пайини қирқишнинг бирдан бир йўли ҳар қандай хавф ва таҳдид ҳақида ўз вақтида милицияга хабар қилиниши лозим эканлигини очиғи ҳамма ҳам тўғри илғаб ололмаяпти. Шунинг натижасида ҳозиргача шаҳарда жиноятчиликнинг ана шу тури бўйича 104 та воқеа-ҳодиса содир бўлди. Улардан 80 тасида фуқаролардан ўлдириш билан қўрқитиб пул талаб қилинган. Мисолларга мурожаат қилайлик. Утган йилнинг 11 декабрида соат 19 ларда бошқармамизга шаҳримизда меҳмон бўлиб турган бухоролик Жўмаев ариза билан мурожаат қилди. Унинг аризасида кўрсатилишича, 4 та номаълум киши унга 2 соат ичида шаҳримизнинг Сергели районида жойлашган «Табассум» кафеси олдига катта миқдорда пул олиб келишни, агар бу таклиф рад этилса, милицияга хабар берилса уни ўлдиражакларини айтиб қўрқитишган. Тезда кўрилган тадбир натижасида қуролланган жиноятчилар ашёвий далил билан қўлга олиндилар.

Яна бир мисол: шу йилнинг 7 март куни бошқармамизга М. исмли киши ҳаяжонланиб кириб келди. У бизга ўғлининг йўқолганини айтди. Кечаги 23 ларда ота яна бошқармага қўнғироқ қилиб, номаълум кишилар унинг фарзандини ўғирлаб кетишганини ва эртаси куни гаровдаги ўғли учун шаҳримизнинг Куйбишев районида жойлашган «Москва» кинотеатри олдига 30 минг сўм пулни олиб келишини айтишган. 8 март куни кўрилган тадбирлар натижасида пул учун келган аввал бир жиноятчи, кечга яқин эса қолган 5 жиноятчи қўлга олинди. Бола соғ-саломат ўз отаси билан дийдор кўришишди. Бундай жиноятга қўл ураётганлар асосан ёшлар бўлиб чиқмоқда.

Бунда чет эллардан келтирилган видеофильмларнинг салбий таъсири ўз аксини топмоқда. Ўтган йили жумҳуриятимизда вояга етмаган болалар томонидан 4 минг 732 та жиноят содир этилди. Шулардан 1 минг 740 таси шаҳримизда юз берди.

— **Айтингчи, кейинги вақтларда жиноятчиликнинг олдини олиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда!**

— Шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноятчиликка қарши кураш борасида махсус тадбирлар асосида ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб «Кеча», «Қидирув», «Қопқон», «Нуфуз» деб номланувчи рейдлар ўтказди. Натижада, шу йилнинг ўтган ойлари ичида жиноятчиликнинг айрим турлари 5 дан — 25 фоизгача камайди.

Кенг жамоатчилик кўмагига асосланган ушбу тадбирларга на фақат шаҳар ички ишлар ходимлари, халқ кўнгилли дружиначилари, маҳалла фаоллари жалб қилинди. «Комплекс—4» деб аталувчи тадбир эса 4 кун кеча-кундуз давом этди. Шу туфайли 11523 хонадонда яшовчи 89312 кишининг паспорт режими текширилиб, 1391 та паспорт эгасига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

2363 та маъмурий назоратда турувчи шахслардан 74 тасига қоидани бузганликлари учун жарима солинди, 28 киши жиноий жавобгарликка тортилди. 370 та узоқ вақт ҳеч қаерда ишламай юрган шахслар аниқланиб, уларни ишга жойлашишлари учун муҳлат берилди. 495 тиламчи ва дайдилар ушланиб, милиция қабулхоналарига жойлаштирилди.

Шаҳримизда бизга маълум, фоҳишалар ва гиёҳвандлар макони ҳисобланган 1188 та уй ва 1724 та уй ертўлалари текширилди. Бунинг натижасида 2537 киши жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол қилганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилди, 67 киши ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ ташкилотларга юборилди.

Ўз навбатида хонаки спиртли ичимлиги тайёрлаган 27 ҳолат қайд қилинди, 40 кишн спиртли ичимликларни ўстама нархда сотаётганида қўлга олинди.

318 ҳайдовчи автомашиналарини спиртли ичимлик ичиб бошқараётганида тўхтатилди, 245 та жиноят фош қилинди.

Умуман фуқаролар мулкининг ўғирланиши 36,1 фоизгача камайди. Жиноятнинг фош этилиши 58,2 фоизга ортди.

— **Уралм Абдуғаниевич, билишимизча, шаҳарда жиноятчиликнинг ошишига айрим ширкатчилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу ҳақда нима дея оласиз!**

— Ҳозирги кунда аҳолига ҳизмат кўрсатишда ширкатлар муҳим роль ўйнамоқда. Шаҳримизда ҳозиргача 3 минг 241 та ширкат рўйхатга олинган бўлиб, шулардан 2 минг 333 таси ўз фаолиятини давом эттиришмоқда. Уларда 5 мингдан зиёд киши ишламоқда. Афсуски, уларнинг орасида ҳам ўз манфаатини кўзловчилар йўқ эмас. Ўтган йили бошқармамизнинг БХСС ходимлари томонидан молия органлари ва жамоатчилик кўмагида 500 дан ортиқ ширкат фаолияти текширилганда, уларда илгари судланган 128 киши ишлаётгани маълум бўлди. Шулардан 26 киши моддий жавобгарликка тортилди.

Агар 1988 йилда ширкатларда 35 та қасддан жиноят содир қилинган бўлса, ўтган 1989 йили 94 та жиноят аниқланди. Улар келтирган зарар 1 миллион 200 минг сўмни ташкил қилди.

Биргина кўп тармоқли «Авангард» ширкати раиси Альхомович шаҳримизнинг турли корхоналари билан шартномалар тузиш эвазига 400 минг сўмдан ортиқ пулни ўзлаштирганн фош қилинди.

— **Ушбу қарорда «Жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетларининг фаолияти СССР Конституциясининг, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари талабларига қатъий қатъий риоя этиш асосига қурилиши, кенг совет жамоатчилигининг мададига таяниши керак» дейилади. Яъни, барча давлат органлари корхона ва муассасалар, жамоат ташкилотлари муваққат комитетларининг ишида уларга ҳар томонлама ёрдам беришлари шарт эканлиги кўрсатилган.**

— Фикрингизни тушундим. Қуйидаги маълумотларга назар ташлайлик. Ўтган икки ой давомида шаҳримизнинг Ленин, Чилонзор, Киров районларида ўтган йилнинг шу даврнгача бўлган жиноят бир мунча ортиб кетди. Сергели, Акмал Икромов районларида ҳам аҳвол яхши деб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида шаҳар ички ишлар хизматчиларининг жиноятчиликка қарши курашни жонлантиришга, жойларда участка назоратчиларининг ташаббускорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Аммо, биргина участка назоратчилари билан неча минг аҳоли истиқомат қилувчи турар жойларда, маҳаллаларда қонунни ва фуқаролар ҳуқуқини муҳофаза қилиб бўлмайди. Шу сабабли агар биз кенг жамоатчиликка, меҳнат партия ва уруш кексаларига, маҳалла оқсоқоллари-ю, педагогик жамоаларга таяниб иш олиб бормас эканмиз, муҳим амалий натижаларга эриша олмаймиз. Шуларни ҳисобга олиб, участка назоратчиси ишига баҳо беришни кенг маҳалла аҳли ҳукмига ҳавола этганмиз. Бир мисол, яқинда шаҳримизнинг Октябрь районига қарашли «Тинчлик» маҳалласида Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбарларининг маҳалла аҳли билан учрашуви бўлиб ўтди. Шунда маҳалла аҳли участка назоратчиси Олимжон Муҳаматжонов ҳақида яхши фикрларни айтди. Шунингдек, Чилонзор районининг «Алгоритм» даҳаси участка назоратчиси, милиция капитани П. Мамбеков, хизматчи Х. Қурбоновлар ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Улар район меҳнаткашларининг талаби асосида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги намунали хизматлари учун Узбекистон ички ишлар нозирлигининг буйруғига биноан «Хизмат кўрсатган участка инспектори» унвонини олишга сазовор бўлишди.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, участка назоратчилари орасида ҳам ўз ҳизмат фаолиятини бугунги кун талаби асосида қурмай, хизмат бурчига совуққонлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас.

Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик катта куч. У бирлашса ҳамма ишни қилишга қодир. Ахир халқимиз «Кўпдан қўён қочиб қутулмас» деган мақолни бежиз айтмаган-ку!

Суҳбатдош М. КОМИЛЖОНОВ.

Огоҳ бўлинг

ҚАЛБАКИ ПУЛ

Шаҳримизнинг «Октябрь» бозори бугун одатдагидек гавжум. Расталарни тўлдириб ўтирган сотувчилар, сабзавот-мева харид қилиш учун бу ерга келганлар ўртасидаги ғала-ғовур атрофни тутиб кетган. Улар орасида «ўғри мушукдек» юрган кимса БХСС хизматчилари диққатини ўзига тортди. У оз-оздан турли кўкатлар харид қилар, ҳар гал сотувчига янги беш сўмлик тутқазарди.

Милиция майори Аваз Азизхўжаевнинг ишораси билан шубҳали киши тўхтатилди.

— Илтимос, биз билан юрсангиз.

— Тинчликми ўзи?

— Юринг, гаплашамиз...

«Меҳмон» Иркутскдан келган экан. 1952 йилда туғилган Владимир Ильич Гуриновнинг ёнидан уч юз ўттиз олти дона беш сўмлик топилди.

Текширув бу пуллар қалбаки эканлигини исботлаб берди. У 6 ва 7 май кунлари шаҳримизнинг турли бозорларида бўлиб оз миқдорда кўкатлар сотиб олиш баҳонасида сохта пуллардан уч юз йигирма сўмини алмаштиришга улгурган экан.

Ҳозир бу иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

А. ШОДИЕВ,
Октябрь район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

Менга сўз беринг

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

«Тошкент оқшоми» рўзномаси яқинда иқтисодчи М. Аъзамовдан Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбарларн номига ёзилган қуйидаги мазмундаги хатни олди. Ушбу мактубда кўтарилган масалалар жамоатчилик эътиборига молик бўлгани учун уни оқшомхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Ички ишлар бошқармасининг ҳурматли раҳбарлари! Озиқ-овқат ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар камёб моллар қаторига кириб бораётган бир пайтда бошқармангиз баъзи ходимларининг лоқайдлиги бизни таажжубга солмоқда. Биласиз, кундан-кунга олибсотарлик авж олиб бораяпти. Бироқ қонунбузарларга қарши қаттиқ чора кўрилмаяпти. Акс ҳолда ҳафтанинг истаган куни пойтахт бозорларида, одам гавжум бўладиган жойларда олибсотарларнинг тўп-тўп бўлиб чет элда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган турли-туман камёб молларни — эркаклар ва аёллар оёқ кийими, кофталар, писка, калиш, атир-упа ва ҳоказоларни сотиб ўтиришганини кўриш мумкинлигини нима билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг бозордаги нархи давлат баҳосидан бир неча баробар қиммат. Олибсотарлар ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан ҳамма нарсани пул «қилишяпти», меҳнаткаш халқнинг пешона тери эвазига топган даромадларини осонликча ўзиники қилиб олмоқда. Бир мисол келтирай.

20 апрель куни «Пахтакор» стадионига кириш учун чиқарилган патталарни ҳам 17—20 ёшли «шунқорлар» кўплаб сотиб олиб, стадионга кириш олдидаги майдончада «шапкаси» билан пуллашди. Битта патта 3 сўмдан 6 сўмгача, лотерея патталари эса 2 сўмдан 5 сўмгача сотилди. Патта сотадиган ягона касса яқинига йўлаб бўлмасди. Шунинг учун кўплаб футбол ишқибозлари бу «ҳожатбарорлар» хизматидан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Минглаб (ҳа, минглаб!) тартиб посбонлари эса бу аҳволни кўриб, кўрмасликка олиб ўтиришди. Юқорида баён этилганлардан хулоса шуки, милиция ходимлари бу аҳволга — олибсотарликка лоқайд эканлар. Агар менинг хулосам нотўғри бўлса, футбол куни шу манзарани ўзингиз бир кузатинг. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

М. АЪЗАМОВ,
иқтисодчи.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда Киров районидаги 1-«Отчопар» маҳалласининг чойхонасида бўлиб ўтган ана шундай учрашув йиғилишидан ҳамма беҳад мамнун бўлди. Анжуманда 2-«Отчопар», «Юнусобод», «Оқтепа» маҳаллаларидан жуда кўп аҳоли, жумладан, уруш ва меҳнат кексалари, шунингдек шаҳар ва район ички ишлар бошқармаси ва бўлими раҳбарлари иштирок этдилар.

1-«Отчопар» маҳалласи комитетининг раиси Мирзамурод Алимов милиция ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўзлади. Уруш кексаларидан сўзга чиққан Ваҳоб Ғуломназиров ва бошқа нотиқлар ҳам ички ишлар органлари ишидаги йўл қўйилган камчиликлар ҳақида, хусусан халқ мол-мулкини ўғирлаш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги, автобусларда чўнтак кесувчиларига нисбатан жиддий чора кўрилмаётгани тўғрисида гапирдилар.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар нозирининг ўринбосари Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг бошлиғи — Жаббор Камолхўжаев маҳалла аҳолисининг берган саволларига жавоб берди.

К. МУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши кексаси.

Кўза кунида синади

ҚОПҚОН

Душанбелик Обид, Бошқирдистондан келган Николай, тошкентлик Артур ва Тофиқлар бир неча бор судланганликларига қарамасдан, ҳалол меҳнат қилиш йўлини танламай, қабиҳ ишларини ташламадилар.

Кунларнинг бирида Обид Душанбе шаҳридан Сергели районида истиқомат қилувчи Николайларникига меҳмонга келади. Мезбон қадрдонини яхши кутиб олади. Эртасига дўстини шаҳарни томоша қилдириш мақсадида такси автомашинасини тўхтатади. Шаҳар айланиб, чарчашгандан сўнг Николай ҳайдовчидан машинани уйи томон буришни таклиф этади.

Ҳайдовчи машина йўналишини ўзгартиргач, бир зум тоза ҳаводан нафас олиш мақсадида йўловчиларнинг таклифи билан моторни ўчиради. Ҳаммалари кабинадан ерга тушадилар. Бирдан меҳмоннинг машина рулини ўзи бошқаргиси келиб қолади. Шунда ҳайдовчининг розилигини кутмай, машинанинг олд ўриндиғига ўтиради. Ёнига ўтирган шофёрнинг ҳай-ҳайига қарамай, моторни ўт олдиради. Сергели томон кетаётиб машина рулини бошқаролмай қолади. Кейин бориб темир устунга урилади. У ҳайдовчидан кечирим сўраб, шу тобда ёнида пули йўқлигини айтади. Эртасига Николайларнинг уйига боришга таклиф қилади. Ушанда унга машина ремонти учун хоҳлаганча пул топиб бережагини айтади.

Келишилган кун ҳайдовчи — Виктор белгиланган жойга боради. У қуюқ меҳмондорчиликнинг устидан чиқади. Артур, Тофиқ ва Обидлар Николайнинг уйида ширакайф ўтиришар эди. Викторни дўстлар очиқ чеҳра билан қарши олишади. Сўнгра тунги соат бирларда ҳаммалари ўткинчи такси машинасида «Тезаков» бозорига боришади.

Йигитлар Викторга бозор дарвозаси олдида кутиб туришни тайинлаб, ўзлари пастқам уйлар томон кетишади. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас Артур билан Тофиқ қўлларида қирқма ов милтиғи билан қайтиб қуролни Викторга тутқазишадида, уни тезда Николайнинг уйига элтиб қўйишни талаб қилишади.

Эртага ҳамтовоқлар яна Николайнинг уйида йиғилишади. Кечаги режалари амалга ошмаганидан, ичларида кимдир кўрқоқлик қилганидан пушаймон бўлишади. Баҳслашув Тофиқнинг болтанинг ўтмас томони билан Обиднинг бошига уриши билан якунланади.

Уч кундан сўнг боши боғланган Обид, Николай ва Артурлар «Рисовий» бозори олдида Викторни янги «ВАЗ 2105» маркадаги «Жигули» автомобилида учратиб, ундан Николайларникига олиб бориб қўйишликни илтимос қилдилар. Балки пулимни берсалар керак деган умидда Виктор рози бўлади. Олдиндан ўйлаб қўйилган режага кўра улар хонага киришн билан Викторнинг қўлидаги автомобиль калитини тортиб оладилар. Кўлида «Ф—1» қўл гранатаси ушлаган Обид, қирқма ов милтиғини Викторга ўқталган Артур, ўткир тиғли пичоқни унинг бақинига тираган Николайлар сўз бошлашади.

— Агар бугун ё эртага 5 минг сўм пул олиб келмасанг, машинанг билан ўзингни жонинг гаровда.

Саросимага тушган Викторнинг «Сизлар бериш ўрнига мен берарканманми», деган саволига ҳамтовоқлар, Обиднинг бошига ишора қилиб, «ҳаммасига сен айбдорсан. Агар сен Обиддан пул талаб қилмаганингда унинг боши ёрилмас эди», дейишади.

Бошн қотган Виктор Лисунов кўчасида истиқомат қилувчи қайнотасидан 100 сўм пул олиб кўчада кутиб турган Обиднинг қўлига тутқазади. Қолган пулнинг келишини бир неча кун кутиб сабри чидамаган Обид, Николай, Артурлар Викторнинг қайнотасиникига бориб, уни қўрқитиб яна 400 сўм пул ундирадилар. «Агар қолган пулни ўзларинг элтиб бермасаларинг, икковинг ҳам жонингдан умдингни. узавер», деб ўқтирадилар.

Икки ҳафта пулни кутган қароқчилар қуролланиб яна қайнота уйига йўл оладилар. Қайнотани машина ичига ўтқазадилар. Унга томон милтиқ оғзини тўғрилайдилар. Эри ҳаяллаб қолганидан ҳавотирланган қайнона машинага яқинлашади. Машина ичидаги воқеани кўрган хотин бақирганча уйи томон чопади. Машинадан қайнотани ирғитган қароқчилар бир зумда кўздан ғойиб бўладилар. Орадан 3 кун ўтиб, босқинчилар Викторнинг уйига дабдурустдан кириб қимматбаҳо тақинчоқлар ва 30 сўм пулни олиб кетадилар. Яна ўша дўк-пўписа қайтарилади. 2 кундан сўнг Виктор яна 500 сўм пулни Николайнинг уйига олиб бориб беради.

Ниҳоят, Виктор ўйлаб-ўйлаб шаҳар ички ишлар бошқармасига бориб у ерда бўлиб ўтган воқеани бирма-бир айтиб беради. Оператив гуруҳнинг тез кўрган тадбири билан жиноятчилар қайнота қўлидан 1000 сўм пулни олаётганларида ушланадилар.

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг тергов бўлимаси Обид, Артур, Николай, ва Тофиқлар устидан олиб борган жиноий ишни ниҳоясига етказди. Навбат — суд ҳукмига.

И. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ходими, милиция капитани.

СУРАТЛАРДА: жиноятчиларнинг қўлга олиниши ва улардан тортиб олинган пуллар.

Қидирилмоқда

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бошқармаси ва Акмал Икромов район ички ишлар бўлими томонидан 1948 йилда туғилган Шуҳрат Сайдазимович Мирзакаримов қидирилмоқда.

Шу йилнинг 17 апрель куни тахминан соат 20 да у Акмал Икромов районидаги Шоир кўчасида истиқомат қилувчи ота-онасининг уйидан чиққан бўйича бедаракдир.

Белгилари: бўйи 180 сантиметр, қадди-қомати келишган, сочлари тим қора, кўзлари қора, ўнг ёноғида операциядан қолган 7—8 сантиметр узунликдаги чандиқ бор, кўзининг тагида катта ҳоли бор. Уст-боши: кулранг оқ йўлли костюм, оқ кўйлак кийган, оёқларида — саламандра туфлиси.

Агар сизга унинг тақдири ёки бедарак бу кишининг турган жойи ҳақида бирон-бир нарса маълум бўлса, қуйидаги телефонларга хабар қилишингизни сўраймиз: 56-98-85, 56-72-67, 56-97-72, 42-38-94.

Бу кишини биласизми?

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси томонидан суратдаги кишининг шахси аниқланмоқда. Агар сиз у ҳақда бирон маълумотга эга бўлсангиз 33-71-47, 56-97-72, 56-96-27 телефонлари орқали хабар қилинг.

Ҳодиса

Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлимининг хабарига кўра, шу йил 14 март куни соат 15 дан 30 минут ўтганда шаҳримизнинг Зиёмов кўчасидаги «Табассум» автобус бекатида «ПАЗ — 672» маркали номаълум автобус ҳайдовчиси томонидан 1897 йилда туғилган гражданин Д. Климченко босиб кетилган. Ҳайдовчи бу ҳақда ҳеч кимга хабар қилмай қочиб кетган. Шу воқеа ҳақида бирор маълумотга эга бўлганлар 56-97-20 телефони орқали терговчи А. К. Манноповга хабар қилишини сўраймиз.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият фонди

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАРИХ ВА МАДАНИЙ ЕДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ЖАМИЯТИ

26, 27 май соат 10.00 дан

II ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИК БАЙРАМИНИ ЎТКАЗАДИ

КЎЗ ОЛДИНГИЗДА
СЕҲРЛИ САНЪАТ СИРЛАРИ
ОЧИЛАДИ

Халқ ҳунармандлари — қадимий ҳунар давомчилари ўз санъат сирларини очадилар.

Қадимий мусиқа асбоблари, кулолчилик (коса, лаган, қумғон, хум), заргарлик, мисгарлик, сўзана ва бошқалар.

Юқорида айтилганларни кўришингиз ва харид қилишингиз мумкин.

Яна сиз нонвойлик сирларининг ҳам шоҳиди бўласиз.

Байрамимизда миллий маданият марказлари ва халқ ансамбллари қатнашадилар.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи ёнида жойлашган Абул Қосим мадрасаси.

«ЗЕНИТ-7» фирмали техно-савдо маркази

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбек» станцияси)

РЦ 53 М ТАЪМИНОТ ЭЛЕМЕНТИНИ

ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

БУ ЭЛЕМЕНТЛАР
«ЗЕНИТ-АВТОМАТ»,
«ЗЕНИТ-ТТЛ»,
«КИЕВ-88 ТТЛ»,
«КИЕВ-60 ТТЛ»,
«КИЕВ-6.С.ТТЛ»,
«ОРИОН» фотоаппаратларига, шунингдек
«КВАРЦ 1х8 С—2» кинога олиш камерасига мос келади.

Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 13 дан 14 гача.

Дам олиш куни — душанба.
Телефон 54-04-92.

«ЗЕНИТ—7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон Ленин РК ЛКСМ қошидаги

«СПЕКТР» ёшлар ижоди бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29 май соат 17.00 ва 20.00 да

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

«ҚЎЗГУ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» ғолиблари: Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ.

Самарқандлик хушовоз хонанда

МАВЖУДА БАҲРИЕВА

Рақҳоса Миновар ИБРАГИМОВА.

Билетлар соат 11.00 дан 19.00 гача сотилади.

Справкалар учун телефон — 45-93-63.

Концертдан тушган маблағ янги мачит қурилишига ўтказилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Корсар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА—23/V да **Кампир нетармиш.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/V да **Майсаранинг иши** (19.00), 23/V да **Отасининг қизи.** (15, 19.00).

КИНО

22 МАЙДА
ВАДИЯ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ГУ-ГА» (16, 18.30, 20.45).

Нукус — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).

Восток — «СИТОРА» (16, 18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АТИРГУЛ НОМИ» (20.40).

М. Шайхзода номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (18.30); «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21.00).

23 МАЙДА
ВАДИЯ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ГУ-ГА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Нукус — «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Восток — «СИТОРА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АТИРГУЛ НОМИ» (20.40).

М. Шайхзода номли — «КАШМИРДАГИ МУҲАББАТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ерматов номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 18.30); «МОДЕРНИСТЛАР» (16, 21).

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан **Мавлонхўжаева Мунира Холхўжаевна** номига берилган РВ—872610 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Октябрь районидаги 76-ўрта мактаб томонидан **Абзалов Азиз Абрамович** номига берилган 603751 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—04557.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.